

# ХОТИРА МАНГУ, ҚАДР МУҚАДДАС

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 5-6 (234-235)

2015 YIL, 25 may

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

## ОТАЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ БИЗ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ



## ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Институтимизда хотира ва қадрлам куни муносабати билан ўтказилган тадбирда ўтганлар хотираси ёдга олинди, кексаларга эса иззат-икром кўрсатилди.

7 май куни институтимизда «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишинган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирни институтимиз ректори профессор А. Холбеков очиб берди. У ўз нутқида мустақилигимиз сабаб бугунги кунда юртимиздаги тинчлик осудалик, бу дориламон кунлар яратган инъом этган кутлуг неъматлигини, тинчликни асраб-авайламоқ ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг институтимизда фаолият юритган марқум устозлар, таҳсилоти давомида вафот этган талабаларнинг номлари бирма-бир тилга олинди. Ҳаётлик даврларида қилган хайрли амаллари ёд этилди.

Тадбирга таклиф этилган фахрий устозларга хурмат ва эҳтиромлар изҳор этилиб, институтнинг ўкув, илмий, маънавий-маърифий соҳалардаги салоҳиятини ошириш ишига қўшган ҳиссалари ҳамла баркамол авлодни тарбиялашдаги самарали меҳнатлари учун уларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирнинг бадиий қисмida мусиқий таълим йўналиши ва ўзбек тили ва адабиёти факультети талабалари томонидан тайёрланган дилрабо шеърлар, куй ва қўшиқлар тадбир иштирокчиларини хушнуд этди.

Шунингдек, институт жисмоний маданият ва спорт факультети ташаббуси билан институт талабалари ўртасида «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишинган футбол бўйича хотира турнири спорт мусобақалари ташкил этилди.

Мусобақа натижаларига кўра жисмоний маданият ва спорт факультети талабалари жамоаси фахрли 1-ўринни, табиатшунослик ва география факультети талабалари жамоаси эса фахрли 2-ўринни забт этишди. Голиблар институт раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ,  
«Зиё чашмаси»нинг  
жамоатчи мухбири

## ХАБАРЛАР

### Ёзувчилар билан талабалар

#### Учрацидилар

Институт мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги сайёр мажлиси бўлиб, тадбир сўнгидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Республика Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар бўлими бошлиги Адҳамбек Алимбеков, вилоятда ижод қилаётган ижодкорлар Абдулла Аҳмад, Абулқосим Мамарасуловлар билан талаба-ёшларнинг учрашувлари уюштирилди. Унда институтимизда таҳсил олаётган ёш ижодкорларнинг ижод намуналари тингланди, мутахассислар томонидан таҳлил қилинди.

Юлдуз ОТАЖНОВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

### Тўгаракнинг янги режалари белгиланди

Ўзбек тили ўқитиши методикаси кафедраси қошида ташкил этилган «Ёш тилшунос» тўгараги аъзоларининг ҳисобот семинари бўлиб ўтди. Семинарда ўзбек тили ва адабиёти факультети декани в.б. педагогика фанлари номзоди К. Ядгаров, кафедранинг профессор-ўқитувчилари ва тўгарак аъзолари иштирок этишиди.

Тўгаракда фаол иштирок этиб келган ва мақолалари вилоят, республика ва халқаро анжуманларда эълон қилинган талабалар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тўгаракнинг бундан кейинги фаолиятини янада жонлантириш бўйича профессор-ўқитувчилар ва тўгарак аъзолари янги режалар тузуб олишиди.

Орифжон ОДИЛОВ,  
«Зиё чашмаси»нинг  
махсус мухбири

## ДАВР ВА ИЖОД МУАММОЛАРИ

Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят олима аёллар уюшмаси, ўзбек тили ва адабиёти факультети ҳамкорликда шоира ва жамоат арбоби Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигига бағишинланган «Зулфия ижодининг миллий ўзига хослиги ва умуминсоний аҳамияти» номли республика конференцияси ўтказдилар. Конференцияда Республика Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги, Урганч Давлат университети, Термиз Давлат университети, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогига университети ва вилоят ҳокимлигининг вакиллари иштирок этишиди.

Анжуманни институт ректори, профессор А. Холбеков очиб берди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, сенатор Гулнора Тўраева Зулфия ижодининг ўзига хос бадиий хусусиятлари ҳақида батафсил тўхтади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчisi, шоира Мунавvara Усмонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг танқид ва адабиётшунослик кенгаши раиси Сувон Мели, институт ўзбек адабиёти ўқитиши услугияти кафедраси доценти У. Қосимов ва бошқалар Зулфия ижодининг умуминсоний аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Конференциянинг бадиий қисмida шоира ижодидан намуналар, куй ва қўшиқлар тингланди.

Хурсаной МАМИРОВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

# ЁЛГОН ГАПЛАРГА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ

Ёт фоядан  
узоқ юр!

Инсон дунёга келар экан, илк олган нафаси ила тириклигини чинқириғи, йигиси билан аён этади. Чунки бу мурғак танада миттигина қалб бор. Онасининг меҳрини, Ватанига бўлган меҳрни гўдаклигига ёқ она сути орқали олади. Во ажаб, бир парча гўштда шунча ҳислар намоён, у ҳали мулоқотга киришмаган оддий бир индивид холос.

Азиз тенгдошим, қани бир ўйлаб кўрингчи, бу индивид қачон шахсга айланади, ҳаётда ўз-ўзини қачон таний олади? Унга янги очилган ҳаёт китобида қандайин инсоний туйгулар ҳаётида ҳамроҳ бўла олади. Шу хусусда фикр юритсан.

Сиз-у бизга аёнки, соф инсоний туйгулардан бири бу - эътиқоддир. Эътиқод асли арабча сўздан олинган бўлиб, қатъийлик деган маънени англатади. Буни қаранг, багбон ниҳолни ерга ўтказди. Ниҳолнинг кўкаришида қатъийлик кўрингсагина у дарахтга айланади. Инсонлар ҳам худди шундай - касбига, Ватанига, оиласига, ўз ҳаётига мустаҳкам эътиқоди бўлсагина, бир умр йўлидаги тўсиқларни енгиги үтишга қодир бўлади.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича эътиқод шахснинг шундай онгли йўналиши, у инсонга ўз қарашлари, тамойиллари ва дунёқарашига мос тарзда намоён бўлади. Инсоннинг инсонийлиги, унинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузи маълум маънода эътиқоди даражаси билан белгиланади. Демак, инсонда би-

пор нарсага эътиқод шаклланган бўлса, унинг яхши инсон бўлиб, одамларга нафи тегишига умид қилиш мумкин.

Эътиқодли инсон, аввало, зиён келтирувчи амаллардан йирок бўлади. Унда ҳар доим лафз, қатъийлик бўлиб, бирор бир юмушга киришаман деб аҳд қиласа, албатта, бутун кучини унга сафарбар этади.

Инсон бир муқаддас туйфуга интилиб яшаса одамларга кўпроқ нафи тегади. Эътиқод дегандан бир инсонни эмас, умумманфатга хизмат қиладиган эзгу гоя, қарашларнинг ҳақлигига ишонч ва уларга амал қилишни тушумиз. Мухтасар қилиб айтганда, эътиқод замирида эзгулик, яхшилик ҳисси бўлиши лозим. Бироқ, яшира олмаймиз, шундай замондошларимиз борки, уларни ким деб аташга ҳам гоҳо ўйлануб қоламиз.

Фикримизни аникроқ баён этадиган бўлсак, ёшларимиз орасида эътиқоди сустлиги ва заифлиги натижасида турли хил оқимларга, бузгунчи кимсаларнинг чорловига, уларнинг чиркин гояларига ишониб, айнан уларнинг йўлларига ҳамроҳ бўлаётганлари ҳам учраб туради.

Бунинг боиси шуки, уларда қатъийлик йўқ. Шу сабабдан диний эътиқод тушунчасини тўлиқ англаб ета олмайдилар. Аслида

дин инсонларни бирлаштирувчи, уларни эзгуликка чорловчи восита бўлиб ҳизмат қилиб келган. Диний эътиқод эса инсоннинг динга бўлган муносабатини белгилашда қўлланиладиган тушунчадир.

Диний эътиқод эркинлиги бизнинг асосий таянчимиз бўлган бош қонунимизнинг 31-моддасида қуйидагича баён этилади: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон ҳоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгадир. Диний қарашлар мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмайди». Бугунги кунда республикамида турли-туман дин вакилларига ўз эътиқодлари ва диний амалларини адо этишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилган. Республика мазжиди, бир ярим мингдан ортиқ насронийлар черкови, ҳинд ибодатхоналари, яхдийлар синагогалари фаолият кўрсатмоқда, турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликлари таъминланган.

Шу билан бир қаторда диний эътиқод эркинлигини ўзларига гўё «қалқон» қилиб, «Ҳизбут-

тахир», «ИШИД» ва бошқа бир қатор ақидапарстлик оқимларига билиб-бilmай қўшилиб кетаётган тенгдошларимизга ачинамиз. Бу эътиқоднинг сустлиги, иймоннинг заифлигидан бошқа нарса эмас. Қилган хатоларини тушуниб авф сўраётганлигини тан олиб, бундан буён огоҳликда яшашга қасамёд қилаётган кишиларнинг телевидение кўрсатувларида, матбуот саҳифаларида кўриб турибмиз. Уларнинг қисмати биз ёшларга катта сабоқdir.

Шундай экан, азиз тенгдошим, сенинг ҳамроҳинг чин эътиқод бўлсин. Сен мустақил, хур замонанинг фарзандисан. Бошинга жафокаш, меҳрибон Юртбошинг ва мусаффо осмонинг бор. Томирингда улуг сиймолар қони оқмоқда. Ўтмишингга назар сол, ахир сен Тўмариснинг, Темурнинг авлодисанку! Кўзларингда Навоийнинг акси уфуриб турсин, эътиқоднингни мустахкам қил, шундагина чин инсон бўла оласан!

Ойбарчин Муҳаммаджонова,  
дефектология  
йўналиши талабаси.

## Илмнинг нурафшон Устозни ёд этиб манзизилларида

Таниқди олим, профессор Озодбек Ашурметов таваллудига 70 йил тўлди бирлаштирилиб, йирик «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этиди.

Профессор Озодбек Ашурметов жамоатчилик ишларида ҳам кенг қамровли ташкилотчилик қобилиятини намоён этди. У Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг «Ботаника» ихтисослиги бўйича докторлик ва номзодлик илмий даражаларини берувчи ихтинослашган кенгашига ҳаётининг охиригача раҳбарлик қилди. Унинг илмий раҳбарлигига вилоятимиздан ҳам етук олимлар етишиб чиқкан. Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Қаҳҳор Ҳожиматов, Ҳалқаро «Антик дунё» илмий академиясининг академиги, ҳалқ таълими аълочиси Умарқул Раҳмонқулов, «Ботаника» ИЧЧБнинг эфир мойли ўсимликлар лабораторияси мудири Олимжон Қаҳҳоров ва Хударган Мавлоновларнинг докторлик диссертациялари ҳамда Насиба Қаршибоева, Ойбек Мамараҳимов, Дилфуз Имомова ва Гайрат Қодировларнинг номзодлик диссертацияларини мувваффақиятли ҳимоя қилишида бошқош бўлди.

Европа, Америка ва Ироил олимлари билан ҳамкорликда ўрганилиб, Қизилкўм чўл станцияси «Ҳалқаро Қизилкўм чўл станцияси» мавқеини олди. Қорақолғистон Республикаси Бўстон шаҳрида 47 гектарлик майдонда янги Амир Темур номли ботаника борги барпо этилди. Тошкент шаҳрида Ботаника борги ва Марказий Гербариини «Миллий ботаника борги» ва «Миллий Гербарий» мақоми даражасига кўтариш мақсадида дастур ишлаб чиқилди, натижада ботаника боргари, станциялар, экспериментал базалар, гербарий ва ноёб коллекциялар

Олим бир неча олий ўқув юртлари - Тошкент Давлат педагогика университети, Гулистон Давлат университети ва Жиззах Давлат педагогика институтида маҳсус курслар бўйича маъruzalar ўқиди.

Устоз ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшга кирган бўлар эди. Аммо у энг навқирон ёшда, тўплаган билим ва тажрибаларини яқунлашга тўлиқ улгурмаган ҳолда 2008 йили 63 ёшда вафот этди. Унинг бажаришга улгурмаган эзгу ишларини Республика изда Марказий Осиёнинг турли илмий муассасаларида ижод қилаётган шогирдлари ва оқил фарзандлари охирига етказишига ишончимиз комил.

Устознинг тўнгич шогирдларидан профессор Раҳмонқулов ва унинг шогирдлари томонидан Зарафшон тогидан топилган янги коврак турига Республика ботаника фани равнақига улкан ҳисса қўшган атоқли олим ва жамоат арбоби профессор Озодбек Ашурметовнинг номини беришга қарор қилишган. Ушбу коврак ўсимлиги Ашурметов ковраги - Feruza Ashurmetovii Rakhamankulov, Avalbaev et Melibaev деб фанга киритилади.

Олимжон АВАЛБОЕВ,  
табиии фанлар факультети  
катта илмий ходим-изланувчиси.  
Дилфуз УМАРҚУЛОВА,  
биология йўналиши талабаси.

## ТАШКИЛОТ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЛОЗИМ

**Жizzax Davlat pedagogika institutu** касаба уюшма қўмитаси 2010 йилдан 2015 йилнинг апрель ойигача олиб борган фаолияти тўғрисида ҳисобот берди. Институт касаба уюшмаси қўмитаси раиси И. Мўминов ва тафтиш комиссияси раиси Ш. Дониёров ўтган давр фаолияти юзасидан маъруза қилдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

2011 йилдан бошлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида бошлангич ташкилотларнинг корхона, ташкилотларда тутган ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди.

Бугунга келиб аҳвол тубдан ўзгарди. Касаба уюшмалари нуфузини ошириш, бошлангич ташкилотларни услубий ва модий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадида сибик совет давридан фаолият кўрсатиб келаётган тармоқ касаба уюшмаларининг 117 та худудий кенгашлари туттилди.

Бунинг ҳисобига бошлангич ташкилотлар ихтиёрида қодирлидиган маблағларни 50 фойздан 60 фойзга, ижтимоий объектларига эга бўлган корхона, ташкилотларнинг бошлангич ташкилотларига эса 70 фойзга оширилди.

Шунингдек, тизимда имтиёзли йўлланмалар олиш даврийлиги 5 йилда бир мартадан 2 йилда бир марта га қисқартирилди, ходимлар томонидан йўлланма учун тўланадиган қисман қиймат миқдори 50 фойздан 45 фойзга туширилди, санаторийларга яқин қариндошлари учун ҳам йўлланмалар олиш каби имтиёз жорий этилди.

Энг асосийси - илгари амалда бўлган «баланс комиссиялари» ўрнига бошлангич ташкилотларга амалий ёрдам кўреатиш тизими нинг жорий этилиши биз бошлангич ташкилотлар учун катта имкониятларни яратди.

Ҳисобот даври мобайнида институтда иш руҷви билан жамоа шартномасини тузиш, унга ходимлар учун кўшимча имтиёзлар киришиш ва уларнинг берилишига эришиш қўмита аъзоларининг доимий дикқат марказида бўлди.

Ҳисобот даврида институтда 2010-2012 йилларга ва 2012-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномалари амалда бўлди. Ҳозирда эса 2015-2017 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси амал қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу амалда бўлган ҳозирги жамоа шартномаси аввалгилардан тубдан фарқ қиласди, унга ёшлар ва аёллар учун имтиёзлар кўзда тутилган алоҳида бўлнимлар, Ҳалқаро ҳемнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди.

Шу билан бирга, касаба уюшмаси қўмитаси ҳисобот даврида жамоа шартномаси тўлиқ бажарилишига эришилди..

Жizzax давлат педагогика институту касаба уюшмаси қўмитаси томонидан институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари уртасида 2010 йил арпел ойидан 2015 йил апрел ойигача бўлган муддатда маънавий-маърифий ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ишларини йўлга қўйиш борашибида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Институтимиз касаба уюшмаси қўмитаси институтимизда олиб борилётган ижтимоий-иктисодий қўллаб-кувватлашни ўзларининг бош мақсадлари ва вазифалари деб билиб, фаолият усули ва услубиятларини изчили янгилаш йўлида бораётir. Институтимизда бутунги кунда фаолият кўрсатиб келаётган 494 нафар профессор-ўқитувчилар, 265 га яқин техник ходимлар ва таълим ёрдамчи ходимлари ҳамда 6653 нафар талаба

(Давоми б-слайдада)

Межр нури ёғар доим юзини ўздан, ўтозлар, Ўрасам дейман шу табаррук изини ўздан ўтозлар.

## Шогирд эътирофи

Устоз деган шарафли номга созовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Унинг жамиятдаги ўрни, мавқеи бекиёсdir. Чунки ўқувчиларнинг қалбига эзгу туйгуларни сингдиришга, келажакда уларнинг комил инсон бўлишига ундайди. Мехнат фаолиятини ўқитувчилардан бошлаган

фанларидан тайёрлаган ўқувчилари бир неча йиллардан бўён мактаб, шаҳар, вилоят миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни олиб келганлар. Ижодкор муалима вилоят педагог кадрлар малақасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг тарих-хуқуқ бўлими

## ТАРИХ ТАЪЛИМИГА БАХШИДА УМР

Шоира опа қалбida саҳоват уругини соча билган инсон у кишининг онаси Муҳаббат ая бўлади. «Қизим, албатта ўқи, аммо ҳалқ фарзандларининг дилига озор берма, кўнглини чўктирма, уларни ўзингни қанчалик сева билсанг, шунчалик сева бил, шунда хурмат топасан», - деб қизларини бошини силаб, қайта-қайта ушбу сўзларни ўқитрган эдилар. У фидоийлиги туфайли кўплаб ёш авлод вакилларини илм қасрига етаклади. Фанларга бўлган қизиқишлиарини кучайтириди, дунёқарашларини шакллантира билди.

Шоира Юнусова Тошкент давлат педагогика универсitetinинг тарих-педагогика факультетини тамомлаган. Ўзининг иш фаолиятини 1983 йилдан бўён Жizzax шаҳридаги Шароф Рашидов номли мактабда давом эттириб келмоқда.

Устознинг шогирдларидан Ўғилой Алиеванинг айтишича, Шоира опа доимо изланишадар ва дарс ўтишда ўқувчиларга эркин фикрлаш, ўз фикрларини равон баён эта олиш имкониятини бера оладилар. Шунда ўқувчилар ўз фирмларини тўла билдира олиш имкониятини қўлга киритадилар. Айниқса улар ўртасида ёш педагоглар танлови жуда ҳам қизиқарли олиб борилади. Бунда ўқувчи янгилик яратиши билди. Ҳаттоқи, тўполончи, ўқишига унчалик рагбати йўқ ўқувчилар ҳам бу дарсларга қизиқиш билан қарайдилар. Ўқитувчининг ҳар бир сўзини тушуниб олишга ҳаракат қилидилар.

Тажрибали устоз Шоира опа ўз фанини жон дилидан севади, унинг сир-асорларини очиб беришга интилади. Илғор тажрибалар устида тинмай ишлайдилар. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир дарси мазмунли, қизиқарли ва юқори савияда ўтади. Ўз касбининг фидоийси бўлган устоз Шоира Юнусованинг тарих, хуқуқ

бошлиғи Мавруда Эргашева ҳамкорлигida республика таълим марказлари ўртасида ўтказилган ижодий кенгашларда «Тарих фани бўйича ДТСнинг ҳаётга тадбиқ этилиши» мавзуси асосида кўргазма, ижодий-илмий мақолалари билан қатнашиб, фахрли ўринларни, шунингдек, Ҳалқ таълими аълочиси унвонини қўлга киритди. Устознинг бир қанча мақолалари республика матбуотида эълон қилинган. Шоира опа ҳамиша янгилик яратишга интиладилар. У кишининг бошликларида мактабда намунали тарих хонаси ташкил этилди. Тарихий музей шаклида жиҳозланган синф хонаси озода, ёргу бўлиб, стентлар, кўргазмалар билан жиҳозланган. Шунингдек, устознинг раҳбарликларида мактаб ўқувчилари шаҳар, вилоят, республика миқёсида ўтказилган «Ўз ҳуқуқингни биласанми?», «Ўз тарихингни биласанми?», «Конституциямиз-баҳтимиз пойдевори», «Болалар ўз ҳуқуқлари тўғрисида китоб ёзадилар» каби танловларда қатнашиб фахрли ўринларни қўлга киритганлар.

Тиниб тинчимас устоз ҳар йили ўтказиб келинаётган тарих, хуқуқ фан ойликларида турли қўринишдаги бадиий, тарихий кечалар ташкиллаштириб келмоқдалар. Шоира опа дарс ўтиш жараёнида ҳам миллий қадриятларни уйғунаштиришга, ўқувчилар қалбida миллий туйгуларни уйғотишга интилиб келадилар.

Мен устоз Шоира Юнусова қиёфасида илм-фан мashaққатларга бардошли, синчков, ўзига талабчан, билимли ва зийрак, шогирдларини илм-фанг, изланишга ундейдиган меҳридарё устозни кўраман. Устоз узоқ йиллар умр кўриб, ўзи истаганидек таълим тизимига мана шундай фидоийлик кўрсатиб юришларини тилайман.

**Фароғат ТИРКАШЕВА,  
инглиз тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.**

Лой Худойназарова каби устозларимиз бизларга тасвир дунёси сирларини ўргатиб келишмоқда.

Рассом истеъодни табиатнинг тухфаси сифатида қадрлаб, эъзозлаши, унга Худо берган иқтидорни савобли ишларга, эзгу мақсадларга йўналтириши лозим. Бу менинг устозларимдан олган илк сабобим эди.

Рассомнинг бурчи адоварат, ҳасад ва хусуматни тарк этгани ҳолда, ўзининг яратувчанлик истеъоди ва олам гўзаллигини кўрсатиб, одамлар қалбига эзгулик уругини қадашдир.

**Феруза АБЛОҚУЛОВА,  
тасвирий санъат ва муҳандислик  
графикии йўналиши талабаси.**

**Суратда: Чингиз Аҳмаров  
мўйқаламига мансуб «Зулфия»  
полотноси.**

## Рангин дунё сирлари

Табиат-улуг ва моҳир рассомдир, унда турфа хил ранглар мужассам. Бу дунё шунчалар гўзали ва мукаммал яратилганди. Чингиз Аҳмаров ижодий бисотида лирик полотнолар ҳам талайгина. Мисол учун «Етти гўзали», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» кабилар мусаввир мўйқаламиning гултоғи саналди.

Дарҳақиқат, қарий ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Чингиз Аҳмаров табиатдан андоза олиб, юзлаб гўзали картиналар яратди. Устоз аксар асарларида ўзига руҳан яқин кишилар, ижод аҳли - рассомлар, актёrlар, шоир-ўқитувчиларнинг портретларини тасвирлайди. Машҳур балерина М. Плиседская, шоира

Зулфия, эл севган актёр Аброр Ҳидоятов тимсоллари шулар жумласиданди. Чингиз Аҳмаров ижодий бисотида лирик полотнолар ҳам талайгина. Мисол учун «Етти гўзали», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» кабилар мусаввир мўйқаламиning гултоғи саналди.

Ўрни билан айтиши мумкинки, Ўрол Тансиқбоев ижодиёти Чингиз Аҳмаров рангин дунёсига катта таъсир кўрсатган. «Менда Ўрол Тансиқбоевнинг асарлари катта таассурот қодирди. Унинг эҳтиросслилиги ва профессионал маҳоратининг ёрқин тажассуми кишига бамисоли симфониядек таъсир қиласди», - деб эслайди у ўз эсдаликларида. Бундан кў-



риниб турибди, барча ижод соҳалари қаторида ранг-тасвир оламида ҳам аъналар давомийлиги мавжуддир.

Бизнинг олийгоҳимизда ёшларга рангин дунё сирларидан таҳсил берайётган устозлар ҳам талайгина. Ранг-тасвир устаси Парлабой Худойбердиев, доцентлар Камолиддин Зоиров ва Облоқул Санткулов, чизма тасвир фани ўқитувчisi Ўғи-

# СОВУК ЖУЖ

ЖИКОЯ

Январь ойи Нью-Йоркта ҳаддан ташқари совук бўлди. Ҳарорат нолдан паст, кучли қор ёгаётганди. Доктор Жеймс телевизорни ёқиб, об-ҳавони текширди. У шифохонага ишга бориши керак. «Бугун ҳаво жуда совуқ бўлиши кутилоқда, ташқарига қалин кийимларингизни кийиб чиқишиларингизни, ва шунингдек, машинани сенкироқ ҳайдашни маслаҳат берамиз. Чунки, йўллар жуда сирпачик», -деди табассум билан об-ҳаво хабарчиси.

«Ҳа, бугун кўчага чиқмасдан уйда қоладиган кун эканда», деди ўз-ӯзига доктор Жеймс. Лекин у учун бунинг иложи йўқ, уйда қоломайди, беморлари шифохонада кутишяпти. Доктор Жеймс уларга керак!

У секин ўрнидан туриб, хона тўрида турган шкаф ёнига борди ва қалин кийимларини бирма-бир ола бошлади.

Свитери, жемпери, қўлқоби, жун пайпоги, узун, чарм этиги ва шапкасини олиб кийди. Эндиғина эшикни очган эди ҳамки, уйга кучли изгирин урилди. «Вой, ташқари жуда совуқ-ку, об-ҳаво хабарчиси тўғри айтган экан», -деб қўиди ўз-ӯзига.

Доктор Маямидан. Маямидан эса бундай совуқ бўлмайди. У йўлга чиқишидан аввал қор тозаловчи машина йўлларни тозалаб улгурган бўлиши керак. Доктор Жеймс жуда секин юрарди, машинада бўлса ҳам қалтиради, айнича, унинг бўйни жуда совуқ қотди.

Бугун кўчада ҳамма машиналар секин юрятти, шунинг учун йўллар ҳам тирбанд, докторнинг машинаси ёнида кўпгина машиналар бор. Тўсатдан йўлдаги машиналар сал нарига бориб, тўхтаб қолди: ҳалокат юз берганди. Док-

тор Жеймс машинасидан тушди-да, ҳалокат содир бўлган томон шошилди. Машина бир бўлак муз парчасига сирпаниб кетибди. Доктор кучли хавотир билан машина ичига юзланди. Ҳозир уни ўйлантирган ягона нарса машина ичидаги одамларнинг саломатлиги эди.

-Ҳамма саломатми, ҳеч ким лат емадими?! - сўради хавотир билан.

-Ҳа, ҳамма сог, мен мувозанатни йўқотиб кўйдим. Ўзи бугун уйдан чиқмаслик керак экан, - деди хижолат билан ҳайдовчи.

Доктор бир дам одамлар ёнида тургач, ҳамманинг сог-саломатлигига ишонч ҳосил қилиб, кўнгли хотиржам тортди. Машинасига ўтириб, йўлига равона бўлди.

Инглиз тилидан хорижий тиллар факультети талабаси Зулфизар ТАШАНОВА ёркин таржима қилди.

## ТАШКИЛОТ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЛОЗИМ

(Боши 5-саҳифада)

Касаба уюшмамиз қошида ташкил этилган жамоатчилик назорати ходимлар ва ўқувчи ёшлар учун соглом ва хавф хатарсанз меҳнат ва ўқиш шароитларини яратиб берисга сафарбар қилинганд бўлиб, жамоа шартномаларида белгиланган чора-тадбирлар орқали техника хавфсизлиги, меҳнат ва ўқиш шароитларини яратишга, жароҳатланиш ва қасб касалликларини олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир неча йилдан бўён «Мехнат мухофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил қилиш» бўйича кўрик-танлов ўтказилиб, кўрик танлов галиблари касаба уюшма кўмитаси томонидан рағбатлантирилиб келинмоқда.

Институтда кам таъминланган оиласи ходимларни, кам таъминланган оиласардан бўлган талабаларни, бокувчинини ўқутган, чин етим ва етим талабаларни ижтимоий ҳимоялашга, уларни ҳомийлик ва васийлик ишларини ўйлга кўйиш орқали янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилган. Бу борада маъмурнинг ташабуси билан туманлар раҳбарларига мурожаат қилиниб, шартнома асосида ўқийдиганд талабаларнинг шартнома пулларини тўланишига эришилмоқда. Кейинги 2 йилда 20 нафар талаба ана шундай имкониятга эга бўлдилар. Самарқанд вилоятининг Тойлоқ, Самарқанд, Кўшработ, Жиззах вилоятининг Бахмал, Дўстлик, Фориш, Зафаробод ва Жиззах туманлари, Жиззах шаҳри, Намangan вилоятининг Чуст тумани ҳокимликлари 5,4 млн. сўмлик талабалар учун шартнома тўловларини тўлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар.

Бундан ташқари ҳар йили бир нафар чин етим талабамизга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тўлиқ бир йиллик шартнома пули тўланиб берилмоқда. 1 нафар кам таъминланган оиласдан бўлган, аълочи ва жамоатчи талабаларимизга эса бир йил давомида ҳар ой мунтазам тўланадиган устама стипендиялар бериб келинмоқда.

Институт касаба уюшмаси кўмитаси ва маданият уртасида имзоланганд жамоа

шартномасидаги ходимларни ижтимоий-иктисодий ҳимоя қилиш бандларини бажариш юзасидан инститut мътумурлияти ҳам бир қанча ибратли ишларни амалга оширишади. Жумладан, 14-январь - «Ватан ҳимоячилари куни», 8-март - «Ҳалқаро хотин-қизлар куни», 21-март - «Наврўз» байрами, 1-сентябрь - «Мустақиллик куни», 1-октябрь - «Ўқитувчilar мураббийлар куни», 8-декабрь - «Конституция куни», «Янги йил байрами» ва Рўза ҳайти ҳамда Курбон ҳайти каби байрамлар муносабати билан барча ходимлар ҳар йили доимий равишда моддий рағбатлантирилиб келинмоқда. Бундай тадбирлар учун мътумурият томонидан ҳар йили 700.000.000 (Етти юз миллион) атрофида маблағ ажратилмоқда.

Хисобот даврида инститut ходимларининг соглигини тикилаш максадида Республика муддудида жойлашган санаторияларга йўлланмалар ажратиш масаласига ҳам катта этибор қаратилди. Масалан, биргина 2014 йил ҳисобига лимит бўйича ходимларимизга 6 дона санатория йўлланмаси ажратилиши кўзда тутилган эди. Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қенгашининг қўллаб-куватлашшига биноан 23 нафар ходимимиз Республика муддудида турли санаторияларida дам олиб қайтишилар.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар инститut касаба уюшмаси фаoliyatiyadi ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилдилар ва ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирилди. Конференция иштирокчilari инститut касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаoliyatiyini қониқарли леб баходорларидар.

Конференцияда инститut касаба уюшмаси кўмитасининг, тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳамда Жиззах вилоят фан, таълим ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ташкилотининг навбатдан конференцияга делегатлар сайланди.

Инститut ректорининг ёрдамчиси бўлиб ишлаб келаётган Дишод Очилов инститut касаба уюшмаси кўмитасининг раиси этиб сайланди.

А. Шарипов

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах давлат педагогика  
институти

Боши муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Таҳририятга келган хатлар  
таҳлил этилмайди ва  
муаллифларга  
қайtarilmайдi.  
Муаллифлар фикри  
таҳriриyat нуқтаи назаридan  
фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2006 йил  
26 декабрда 06-017 рақами билан  
рўйхатга олинган.  
Босишига топширилган  
вақти - 19.00  
Топширилди - 18.00

Манзил:  
Ш. Рашидов  
шоҳ қўчаси,  
Абдулла Қодирий  
номидаги Жиззах  
Давлат  
педагогика  
институти.

Офсет усулида 6500 нусхада босилди.  
Буюртма № 264. Shaki-A-3.

25 MAY, 2015 YIL

Устоз-шоғирдлик -  
бебаҳо қадрият!

## УСТОЗЛИК ҚАЛБ ОҲАЖГАЛARI

Чинакам комил инсон ўз олдига эзгу мақсадлар кўяди ва мақсадлари рўёби учун ти-  
нимиз ҳаракат қиласи.

Мана шундай ҳамиша эзгу истаклар билан  
ўз устида тинимиз ишлайдиган, талабчан  
устозларимиздан бири Пайзикул Зокиров-  
дир.

Пайзикул Зокиров Жиззах вилоятининг  
Жиззах туманида таваллуд топган. Гумандаги  
маданият уйида рубоб чалиши, Ҳожи  
Абдулазиз Абдурасулов номли Самарқанд  
Давлат мусиқа ўқув юртида устозлари Умар  
Хусановдан гижжак чалиш сир-асрорларини  
ўрганган.

«Қалб садолари», «Диёрим оҳанглари»,  
«Жиззах гулдастаси», «Фортепиано учун  
куйлар», «Бастакорлар ва бастакорлик ижоди»  
каби бир қатор кўлланмалар муаллифидир.

Устознинг узоқ юиллик самарали меҳнатла-  
ри ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб,  
«Ҳалқ маорифи аълоҳиси» кўкрак нишо-  
ни билан мукофотланган.

Салкам 70 ёшли қарши олаётган устозимиз  
Пайзикул Зокиров ҳамон биз шоғирдларига  
илем сирларидан сабок бермоқдалар. Устоз-  
нинг ҳар бир сабогини жон қулогимиз билан  
тинглаймиз. Чунки устоз мусиқа назари-  
яси фанидан сабок бериб, фанни амалиёт билан  
боғлаб, мавзуни талабаларга янада ани-  
роқ этиб бориши ҳамиша ҳаракат қиласидар.

Яқинда амалиёт ўташ учун Жиззах шаҳри-  
даги 3-мактабга борганимизда мактаб кутуб-  
хонасида устознинг 2008 йилда нашр этилган  
«Ўзбекистон Қаҳрамонлари» номли китобла-  
рига дуч келдим. Мутолаа қилар эканман,  
устоз Пайзикул ака Зокировга хурматим янада  
ортди.

Сўзим сўнгидаги устозимиз Пайзикул Зоки-  
ровга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржам-  
лик, шоғирдлари камолини кўриб юришла-  
рини тилайман.

Нигора ҲАСАНОВА,  
мусиқий таълим  
йўналиши талабаси.

## Кўнгил катидаги гаплар

Астрономия дарслигидаги ўқигандим: Ин-  
сон ернинг тортиш кучини енгиг, коинотга  
чиқиши учун жуда катта куч, энергия талаб  
қилинада экан. Тезликнинг бир маромда орти-  
риб бориш билангина бунга эришиш  
мумкин бўлиб, агар парвоз чоғида космик  
кеманинг тезлиги зигирча камайтирилса,  
ката фалокат юз беради.

Ажаб!

Психологияда ҳам шундай. Инсон руҳий  
тушкунликка тушиб қолганда, ундан чиқиб  
олиш учун катта матонат ва мустаҳкам ирова  
зарур. Ҳа-тга бўлган интилиш зигирча сув-  
саиса фалокат юз беради.

XXX

Боқийлик қўёшга хос. Шам эса узоқ  
«яшамайди». Лекин, шу қисқагина умри-  
ю, муштедек вужудини одамларга зиё тара-

## УТИНЧ

Айтинг ҳаёт учун шуми тўғриси,  
Инсонку ҳақиқат асл ўғриси.  
Ҳақни қоралаган нокаслар қанча,  
Оппоқ осмон дардин аёвсиз янчар.

Шуми инсон учун асл ҳақиқат,  
Юракда аламлар ястанар қат-қат.  
Ҳаёт манзараси ҳаёлим тортар,  
Ноҳақлик кундан-кун тобора ортар.

Ерга тўшалган қор, ҳаммаёқ оппоқ,  
Тўйиб нафас олинг ҳақиқат бу чоғ.  
Оппоқ қор юзига тўқилар ногоҳ,  
Юрак кўз ёшлари, дардлари, э воҳ...

Оппоқ қор йиглайди ранглари алвон,  
Кураи заминга осмондир қалқон.  
Фалакдан шивирлар миљироқ юлдуз,  
Бу қора аламинг янчи, йўқ қил, буз!!!

## ИҚБОРЛИК

Эй инсон, қўзинг оч, ҳақиқатга боқ,  
Бир кун ҳаммамиз ҳам бўламиз тупроқ,  
Нағе итин кўнглинга қилмагин чироқ,  
Сенда бор, менда бор энг катта гуноҳ,  
Сен ноҳақ, мен ноҳақ, ҳақ фақат Оллоҳ!

Дунё ҳам бир кунлик, ҳислар ўткинчи,  
Дил деган қўрғонда гиштлар кўчкинчи,  
Энг буёк ҳақиқат виждан ўкинчи,  
Сенда бор, менда бор энг катта гуноҳ,  
Сен ноҳақ, мен ноҳақ, ҳақ фақат Оллоҳ!

Нигора ҲАЛИЛОВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

**ВАТАНИМ**  
Менинг ўзаси Ватаним,  
Менинг она Ватаним,  
Бағринига үмаяниш,  
Сени жуда севалиш.  
  
Ватан бизнини үйниш,  
Ватан оғ-номешиш.  
Ватан бизнини яонишиш,  
Ийлонимиз шонимиш.  
  
Хизматнига тайёрлиш,  
Ҳар дақиқа, ҳар наға.  
Биз болалар бахтия,  
Маниц озод бўлсанг бае!